



### **Савол:**

Бир аёл таҳоратли ҳолида автоуловда Маккага бораётиб, йўлда ухлаб қолди. Сўнг таҳорат қилмасдан тавоф қилди. Кейин то ҳажгача мутамааттиъ бўлди (яъни, эҳромдан чиқди). Ҳажни қилгач, эҳромдан тўла чиқди. Энди нима қилиши керак бўлади?

### **Жавоб:**

Бисмиллаҳи валҳамду лиллаҳ.. Агар уйқуси мудраш сифатида бўлган бўлса, зарари йўқ, таҳорати синмаган бўлади. Аммо, таҳорати синадиган даражада чуқур уйқуга кетган бўлса, унинг ҳукми Байтуллоҳни тавоф қилмаган киши ҳукмида бўлади. Яъни, у қирон ҳажни қилган бўлади. Ифоза тавофи ва саъйи у учун умра тавофи ва саъйи ўрнига ўтади, валҳамду лиллаҳ.